## Ўзбек романи: кеча ва бугун

Тоҳир МАЛИК

# ИБРАТ МАКТАБИ

Қалам аҳлининг пирларидан саналмиш Абдулла Қодирийнинг маҳорати ҳақида гап айтишга камина томонидан уриниш бўлиб эди, энди янгироқ фикр баён қилиш масъулиятини зиммамизга юклаб, қўлга қалам олмоққа журъат этдик.

Абдулла Қодирийнинг адабий тил борасидаги маҳоратларини дурлар хазинасига қиёслашимиз мумкин. Адибнинг ҳикоялари, фелетонлари, ҳажвияларини ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Тошпўлат тажанг билан Калвак махзумнинг сўзлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ёзувчи "Овсар" тахаллуси билан бир фелетон ёзса, "Думбул" тахаллусида ёзилган ҳангомадан фарқланиб туради. Билмаган одам бу икки асарни икки одам ёзган, деб ўйлаши ҳам мумкин.

*"Қара-қара, Маҳкам! Дўндиқ экан-ку, анавинг. Суяги борми, а? Бир пиёла чойимиз бор, ҳов! Итдан туққанинг қарамади-ку... Ҳай ким, Салим қаварнинг боласи эмасми, тўлишибди ўзиям. Сартарош ҳожи кўриб қолса, "ўлди", дегин. Бодом қовоқ, юпқа томоқ, додимга етсанг-чи... Ҳой-ҳой..."* Агар бу сўзларни мадраса кўрган Калвак махзум айтяпти, дейилса, ишонмайсиз. Тўғри, Калвак махзум ҳам аёлларга қарайди, кўнгли суст кетади, аммо у "Бир пиёла чойимиз бор", демайди, шундай эмасми? Буни фақат чапани Тошпўлат айтиши мумкин. Калвак махзум эса ўн икки яшар қизчани кўрган маҳалида сўрайди: *"Отин ойинг борми?" "Бор." "Отин ойингнинг эри нечта?" Мазмуни отин ойиси оғзини пишиғлаб қўйган шекиллик, жавоб бермай, ерга қаради. Мен ҳам сўзимни айлантирмай, ичимдан "етти-саккизта бордир", деб ўйладим. Қизи тушкур жажмондеккина экан, ҳайфки, бузилган-да... "Ўруснинг "Инжил"ини ўқиябсанми?" — деб сўраган эдим, бунга ҳам жавоб бергуси келмади. Энди ўзига яраша гапдан гапурай, деб сўрадим: "Эмчагинг олмадек бўлуб қолубдур, ўйнашинг ҳам борму?" Қизи тушкурнинг ҳали қитиқ пати ўлмаган экан, юзини чирт ўгуриб: "Ҳу, соқолинг кўксингга тўкулсин!" — деб қарғади ва йўлига югуриб кетди..."* Кўриниб турибдики, икки одам — икки олам. Ҳар бири ўзига хос сўзлар билан ўз қиёфасини чизади. Ёзувчи фалончи ундай одам, пистончи бундай, деб таърифу тавсифлар бермайди.

"Жулқунбой" имзосида берилган "Қимматчилик ҳасрати" ёки "Думбаси тушиб қолган эмиш" ҳажвиялари эса бошқаларидан тамоман фарқ қилади. Ундаги заҳарли кулгуни, кинояни "Овсар" ёки "Мазлум" бу тарзда айта олмайди. Жулқунбой қимматчиликдан қийналаётган ўз оиласини бундай тасвирлайди: *"...ош-нон емоқдан бошқага ярамаган бир чол отам ила бир кампир онам, ёлғиз сўз сўйлаш ила ош пиширишга яратилган бир хотуним бор. Кўчага юз карра чиқиб, ҳар уйга кирганида "Ойи, нон бер!"ни ўзиники қилиб олган бир қизим, топганини кўчада чиқим қилиб, эрта-кеч маним овқатимга шерик бўладирган бир иним бор. Булардан ташқари тағи бир яшар ўғлим бўлса ҳам, Худога шукур, ҳали тиши чиқғанича йўқ..."* Бир неча жумлада оила аъзоларининг феъл-атворлари моҳирона чизилди. Бир яшар ўғилнинг ҳали тиши чиқмаганига шукур қилиниши эса аҳволнинг нақадар оғир эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда ёзувчининг "Ўқиш — ўрганиш" сарлавҳали мақоласига диққатни тортишни истардим. Адиб унда рус ёзувчиси Антон Чехов маҳоратини таҳлил қилади. Айни таҳлилни биз Абдулла Қодирий ҳажвига нисбатан ҳам ишлатишимиз мумкин. Демоқчимизки, маҳорат бобида Абдулла Қодирий ўзлари шарафлаган зотлардан ҳеч бир кам эмаслар. Адиб Чеховни устоз ўрнида кўрган эканлар. Бу "ёзишни Чеховдан ўрганган", деган гап эмас. Жуда кўп одам Чеховни ўқиган, жуда кўп одам уни устоз деб билиб, интилган. Бироқ Абдулла Қодирий даражасига етиш барчага ҳам насиб этавермаган. Бу ўринда гап Чеховни устоз деб билишда эмас, гап — Худо берган истеъдодда! Ундан ташқари, ўзбек адабиёти равнақини Европага боғлайвериш фикридан сал узоқлашиш керак. Худога шукур, йигирманчи аср ўзбек адабиёти қасри, бошқа жойларга ўхшаб, қуруқ саҳрода бунёд этилмади. Бу қаср бир бўстон бағрида қарор топди. Ўтмиш замонларни лол қолдирган, бугунга қадар ўз маҳобатини йўқотмаган мумтоз адабиётимиздан Европа ўрганган эди. Совет даврида Шарқни Ғарбдан паст кўриш анъанаси бизнинг барча ютуқларимиз омилини Европага боғлади. Тўғри, Европа маданиятининг, хусусан, адабиётининг ижобий таъсирлари бўлди, буни инкор этиш дуруст эмас. Аммо, айтайлик, ҳажвни ёзувчиларимиз Чеховдан ўрганган, дейиш ақлга сиғадиган гап эмас. Чунки мумтоз адабиётимиз тарихидан ҳажвни ўрганишга лойиқ ажойиб асарларни истаганча топишимиз мумкин. Афсус билан айтишимиз мумкин, ҳозирги авлод мумтоз адабиётимизни яхши билмайди. Абдулла Қодирий ва унинг замондошлари эса бу соҳада ҳам беқиёс бўлганлар.

**А**бдулла Қодирий ёзган ҳар бир жумла қалам аҳли учун бир мактаб. Афзал томонлари ҳам, заиф кўринган жиҳатлари ҳам зеҳн билан таҳлил қилиниб ўрганилади. Ҳар қандай асарда сиз билан бизнинг кўзимизга камчилик бўлиб кўринган бирон воқеа баёни ёки жумла, ҳатто биргина сўз аслида шу асарнинг ҳуснидир. Шеъриятда мажоз санъати мавжуд бўлганидек, насрда ҳам рамзий маъноларни ўзига яширган сатрлар, саҳифалар бўлади. Билган одам денгиз тубидаги чиғаноқни кўриб: "Ҳа, энди бу арзон-гаров садаф-да", деб ўтиб кетавермайди. Чиғаноқ паллалари ажратилса, гавҳар кўринади. Устоз адибларнинг асарларидаги сўз гавҳарлари ҳам шундай.

Русларнинг улуғ адиби Лев Толстойнинг ҳикматли гапи бор: "Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, — дейди у. — Дилда туғилган саволларга жавоб бера оладиган китобларнигина ўқиш керак". Яна бир донишманднинг фикри ибратлидир: "Модомики, ҳаёт жуда қисқа, бўш вақт эса жуда оз экан, биз уни саёз китобларни ўқишга исроф этмаслигимиз керак", дейди у. У ёки бу асарнинг саёз эмаслигини аниқлаш осонмас. Бунинг учун қизиқарли воқеа баёнигагина қизиқмай, шошилмасдан, ҳар бир жумланинг маъносига тушуниб ўқиган маъқул. Бирон савол туғилса, асарнинг бирон ери хато туюлса ҳам жавобни бировдан эмас, айнан шу китобнинг ўзидан топишга интилган афзал. Садафдан кўз қамашмай, гавҳарни излаш жоиз. Устозларнинг чуқур мазмунли асарлари алдамайди: сизга маъно гавҳарларини тортиқ этади. Шарқ мумтоз шеъриятида бундай гавҳарларни кўп учратамиз.

Аввал айтганимиздек, назмдаги гавҳарнинг насри ҳам мавжудлиги, асосан, Шарққа хосдир. Муҳаммад Авфий саккиз аср муқаддам тартиб берган ибратли ҳикояларни ўқиган бўлсангиз, бу жумлаларга эътибор бергандирсиз:

*"...Сендан илгари ҳам кўп кишилар ушбу жомдан айрилиқ майини ичиб, охирида сабр либосини кийганлар";*

*"...Кўлим ва қалбим дилдор оғзи каби тор, чўнтак эса худди ёрнинг хипча белидек нозик ва ингичка эди";*

*"...Ваҳм ва қўрқув мендан устунлик қилиб, уйқу кўз зиёратига келмасди";*

*"...Подшоҳларнинг отган ўқлари ҳамма вақт ҳам нишонга тегавермайди, иқбол ариғи ҳамма вақт ҳам тўла оқавермайди";*

*"...Ишқ ўти сабр вилоятини хароб қилибди".*

Европа ёки Лотин Америкаси адабиётида бу каби латифлик йўқ, десам, балки фикримга қўшиларсиз. Балки бу латифликни чучмаллик фаҳмлаб, ҳозир адабиёт бошқа, ҳозир лўнда ифодалар замони, деб инкор қиларсиз. У ҳолда сиз билан ҳамфикр бўлолмаймиз, маъзур тутгайсиз.

Юқорида келтирилган мисоллардан мурод шуки, Абдулла Қодирий асарларини синчиклаб ўқисак, шу каби латиф тасвирлардан беҳисоб даражада баҳраманд бўламиз:

*"Кумушбиби хомуш эди. Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучликмиди, ҳар ҳолда намозшомгул каби ёпиқ эди";*

*"Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан — сизга бошимдағи сочларимнинг тукларигача беҳад салом. Мендан — ҳадду ҳисобсиз гуноҳ, сиздан — кечириш";*

*"— Ажаб қиламан, — деди Кумуш ва шапалоғи билан эрининг юзига секингина уриб қўйди.*

*— Бу ёққа ҳам...*

*— У ёққа Зайнаб урсин.*

*— Зайнабнинг... уришка ҳаққи йўқ..."*

Бу сатрларга кўп маънолар яширинган. Шулардан бири — Кумушнинг дилида қоронғулик йўқ. Рашк бўлса-да, уни жиловлай олган. Кундоши билан иттифоқликда умр кечириш мақсади бор. Дастлаб Зайнабда ҳам шу тилак мавжуд эди. Хўш, у ҳолда Зайнабни заҳар солишга нима мажбур этди? Рашкми? Ёки бошқаларнинг гиж-гижлашими? Бизнингча, асосий сабаблардан бири баён этилган сатрда: "Зайнабнинг... уришка ҳаққи йўқ". Отабекнинг шу аҳди оқибатда Зайнаб қўлига заҳар тутқазмадимими?

Яна бир баёнда Кумуш "сочларимнинг тукларигача беҳад салом", деб ёзади. Бир қарашда "туклар" сўзи ноўрин, қўполроқ туюлар. "Сочларим толалари", дейилса, балки латифроқ бўлармиди? Йўқ, бўлмасди. Ёзувчи "тола" сўзини эсдан чиқаргандир, деб ўйлаш ҳам ноўрин. Бунда "беҳад" сўзига эътибор бермоқ жоиз. Беҳад, яъни чексиз-чегарасиз. Соч толалари кўзга кўриниб туради. Аммо бошдаги майда тукларни кўз илғамайди — толалардан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Юборилаётган соғинч саломи ана шундай ақл бовар қилмас даражада дейилмоқчи.

Ёки: "...шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди", деган жумладаги "қашиди" сўзи латиф баёндаги доғ каби кўриниши мумкин. Балки "силаб қўйди" ёки "сийпади", дейилгани кимгадир маъқул кўринар. Йўқ, азизлар, яна бир ўйлайлик: силаш, сийпаш, қашиш — бутунлай бошқа-бошқа ҳолатларни англатади. "Ишшайди", "жилмайди", "кулимсиради", "тиржайди" сўзлари киши ҳолатини баён этишда бир-бирининг ўрнини боса олмагани каби юқоридагилардан ҳам маънодош сўз сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Диққат қилайлик: адиб "қашлади" эмас, "қашиди" деб ёзяпти. Чунки "қашлади" янада ўзгачароқ ҳолатни, сиз билан биз ўйлаётгандек қўполроқ маънони англатган бўларди. Ёзувчи тасвиридаги гўзал қиз шунчаки юзини, қулоғи ёки бошини эмас, холини қашиди. Яна қандай хол денг, "латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора хол". Энди холдор одамлардан сўраб кўринг, хол қичишган чоқда шунчаки силаб қўйиш билан кифоя қилинармикин? Айни тасвирда эса ёзувчи хаста Кумушнинг табиатига хос ҳолатни беряпти.

Биз бугун жаҳон адабиёти билан яхши танишмиз: Жек Лондон, Кафка, Платонов, Маркес, Кортасар, Камю... асарларини севиб ўқийдиганлар, улардан ҳам маъно дурлари терадиганлар кўп. Бу одат фақат таҳсинга лойиқ. Балки китобхон ўқиганларини бир-бирларига таққослаб кўрар? Бу одатни кўп одамларда учратамиз. Биз бундай таққослашни тўғри одат деб ҳисоблай олмаймиз. Айниқса, Шарқ ва Ғарб адабиётини бир-бирига солиштириб, тарози палласига қўйиш тўғри иш эмас. Ҳар бир одам ўзига яраша ақлли, ўзича чиройли бўлгани каби ҳар бир асар ўзича теран ёки аксинча, саёз бўлиши мумкин. Ахир, биз олма дарахти билан теракни бир-бирига қиёсламаймиз-ку, тўғрими? "Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига", деб бежиз айтишмаган.

Бугунги адабиётимизда Ғарб, айниқса, Лотин Америкаси адабиётига маҳлиё бўлишлик, улар каби ёзишга интилишлик бор. Бунга бизнинг эътирозимиз ҳам, ғайирлигимиз ҳам йўқ. Ҳар ким ўзига ёққан чўққини кўзлайди. Каминани бироз ўйлантирган нарса — чет адабиётдан нусха кўчирилмоқчи. Ўзимизнинг бебаҳо мактабимиз эса четлаб ўтиляпти. Маркесларнинг мактаби — Лев Толстой, Достоевский асарлари бўлган экан. Улар рус ва бошқа романчилик мактабларидан фойдаланиб, ўз халқларига оид мактаб анъаналарига суянган ҳолда дунёни лол қолдирувчи янгилик яратдилар.

Сиз айтишингиз мумкинки, "Уларни дунё танийди, бизники фақат ўзимизда машҳур, даража шунга ярашами?" Бирон бир асарни дунё танимоғи фақат даражага боғлиқ эмас. Бу ўринда қойилмақом таржима муҳим. Абдулла Қодирий асарлари тақдирини эслайлик: неча йил тутқунликда бўлди? Сталин ўлимидан сўнг гўё озодлик берилгандай бўлди, аммо бу асарлардаги энг кучли тасвирлар, гаплар олиб ташланди. Бу асарлар мана энди асл ҳолича нашр этиляпти. Грузин ёки арманиларда она тилларидан рус ёки инглиз тилига тўғридан-тўғри бадиий таржима қила олувчи ўз таржимонлари бор. Бизда-чи? Абдулла Қодирийнинг асарлари олтмишинчи йилларда қисқартирилган ҳолида аввал сўзма-сўз тарзда русчага "ағдарилиб", сўнг ўзбек тилини, тарихини, ҳаётини мутлақо билмайдиган одам томонидан "бадиий таржима" қилинган. Шарбати сиқиб ташланган анорнинг қадри бўлмагани каби, бундай таржимада чиқарилган асарга ким ҳам қарарди? Эсимдан чиқмайди, москвалик бир шоир "мошгуруч соқоллик қария" деган сатрни "старик с бородой маша и риса", яъни "соқоли мош ва гурунчдан иборат қария" деб таржима қилган экан. Бир неча йил аввал Абдулла Қодирий асарлари туркчага таржима қилинди. Турк адибларининг бизга айтишларича, шошма-шошарлик билан қилинган бу таржима анча саёз экан. Таъбир жоиз бўлса, зикр этганимиз "соқоли мош ва гурунчдан иборат қария"ни эслатаркан. Демак, улуғ адибнинг дунё миқёсида ўз мавқеига эга бўлишига тўсқинлик қилаётган омилларни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Сиз, балки "Кино-чи, кино ҳам машҳур бўлмади-ку?" дерсиз? Саволингизга савол билан жавоб берайин: "Сценарийси рус тилида ёзилиб, сўнг ўзбекчага таржима қилинган кинодан яна нимани кутиш мумкин? Романни охиригача ҳеч бўлмаганда бир марта ўқиб чиқмаган актёр қандай қилиб қаҳрамонлар ҳолатини томошабинга етказиб бера олади?"

Агар кўзингиз тушган бўлса, туркманларнинг улуғ адиби Хидир Деряевнинг "Қисмат" деган романи бор. Бизда "Ўтган кунлар" қандай қадрланса, туркманларда бу асар шундай эъзозланади. Бунинг сабаби — "Қисмат"ни ёзишга айнан "Ўтган кунлар"дан олинган таассурот туртки бўлган. Хидир Деряев Абдулла Қодирийни ўзига устоз деб билган, таъбир жоиз бўлса, Абдулла Қодирий мактабида сиртдан таълим олган. Шунга ўхшаш, қўшни халқларнинг атоқли адиблари ўзларини шу мактаб ўқувчилари ҳисоблаганлар. Уларнинг аксарлари Тошкентдаги олий ўқув юртларида таълим олганлар ва Абдулла Қодирий асарларини нўноқ таржимада эмас, аслиятда ўқиб-ўрганганлар. Ёзувчининг маҳоратидан лол қолганлар.

Қани, бир ўйлаб кўрайлик-чи, уларни қандай сатрлар ҳайратга солди экан?

*"...унинг кўзлари мулойимғина сув устиға оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ювошгина оқиб келар, Кумушбибининг қаршисига етганда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган соҳибанинг сеҳрига мусаххар бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айлангач, оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бир ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтургач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди. Гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишида бу фитна тағи ҳам кучайди."*

Мавлоно Лутфий ҳазрат Алишер Навоийнинг биргина байтларидан ҳайратланиб, барча ёзганларини шу байтга алмашишга тайёр эканликларини изҳор этган эканлар. Қондош халқларнинг адиблари қалбида ҳам муҳаббат уйғонишига, балки айнан шу сатрлар сабаб бўлгандир? Аввал айтганларимизга қайтадиган бўлсак, Кумушнинг бу тасвири шунчаки гўзал баён эмас, балки асар юрагининг зарблари эди. Яъни "сув ичида бир фитна юз берганининг" қандай оқибатларга олиб келгани ишора қилинган эди.

Навбатдаги фикрни баён этишдан аввал яна бир асардан кичик лавҳани эсласак:

*"Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юзлари кулди, ўзлари ҳоргин-ҳоргин оқсаларда, бўшалган қул сингари эркинлик нашидасини кемира-кемира илгари босадилар... Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди... Мулойим қўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан, бу кўкат!"*

Бу сатрлар яна бир улуғимиз — Чўлпон ҳазратларининг асаридан олинди.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Юнус ота исмли табаррук отахон яшардилар. Муаллимликни касб қилган бу киши ёшлик кезлари Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон билан суҳбатлашиш бахтига эришган эканлар. Юнус ота Москвада ўқиб юрган пайтларида Чўлпон билан учрашиб, "Кеча ва кундуз" романи қодириёна ёзилибди", деб лутф қилибдилар. Шунда Чўлпон бош чайқаб: "Ундай эмас, Қодирийга етишга йўл бўлсин", деган эканлар.

Барчамиз ҳам устоз Чўлпон каби бўлолсак эди...

Энг юксак чўққи шу, бошқа йўл йўқ, дейилгувчи даъводан йироқмиз. Эҳтимол, келгусида янада юқорироқ чўққига эришилар. Балки келажак авлод адабиётимизга биз кутмаган тарзда баҳо берар, валлоҳи аълам...

Абдулла Қодирий йигирманчи асрдаги янги романчилик мактабларидан бирининг асосчиси, деб тан олингани маълум. Шу ўринда бир нарсани фарқлаш зарур: баъзан "Ўзбек прозасининг асосчиси" деган иборани ҳам учратиб қоламиз. Шундай десак, ёзувчини улуғлаганимиз ҳолда, ўзбек адабиётини, ўзбек насрини қашшоқлаштириб қўйган бўламиз. Ўрни келганда айтайлик, ҳазрат Алишер Навоийни улуғлаганимизда "Ўзбек адабий тили мавқеини олий поғоналарга кўтарди", дейиш ўрнига, ўйлаб ўтирмай "Ўзбек тилининг (ёки "адабий тилининг") асосчиси", деб юборамиз. У ҳолда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий ҳазратлари қайси тилда ижод қилишган? Улуғларимиз бизнинг ёлғон мақтовларимизга муҳтож эмаслар. Тўғри гапни ёзиш, айтиш жоиз.

**Ҳ**амонки романчилик мактаби ҳақида сўз очдик, аввал "роман" атамасининг луғавий маъносини билиб олайлик: "роман" атамасини бировлар немис, бошқалар французларники деб ҳисоблашади. Бу атама истеъмолда бир неча маъноларга эга. Адабиётга хос маъноси: "роман" бирор воқеанинг эркин тарздаги муфассал баёнини англатади. Ўтган асрларда "роман" тарзи Европада "ишқий қисса" маъносини англатган. Икки севишганнинг арзи-ҳоли "роман" деб белгиланган. Маълумингизким, бу каби ишқий қиссалар ўзбек адабиёти тарихида кўп бўлган. Адабиётнинг жамиятга муносабати, жамият тараққиётига таъсири, аралашуви фаоллашиши оқибатида роман, яъни ишқий қисса зиммасидаги вазифа ўзгарди — ишқ баёни ижтимоий масалалар билан бойитилди. Ишқий фожиалар сафига ижтимоий фожиалар, жамият, замонга доир фожиалар қўшилди. Ана шундай янги кўринишдаги романни ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Абдулла Қодирий яратдилар. Яратганда ҳам мактаб даражасида, яъни бошқалардан қуруқ нусха кўчирмай, тақлид қилмай яратдилар. Шундай асарлар борки, агар қайси тилдан таржима қилингани ёзилмаса, қайси халқ ҳаёти ҳикоя қилинаётгани билинмайди. Бу асарларда миллий қиёфа бўлмайди. Асар ўзбек тилида ёзилгани билан миллий роман бўла олмайди. Асар фақат чиройли сўзлардан, жимжима баёнлардан иборат нарса эмас. Асарнинг ҳам вужуди, қалби бўлади. Унинг миллийлик даражасини айнан шу қалб белгилайди.

**Гарчи "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" севги қиссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан қайғуси ётади. Адиб "Бир вақтлар қудратли бўлган ота юрт нима сабабдан ночор ва ғариб ҳолга тушди?" деган саволга жавоб топмоқ учун тарихни таҳлил этади. Адабиётда янги романчилик мактабини яратган адиб дастлабки йирик асарини нашр эттирганида ҳали ўттиз ёшга етмаган эди. Шунга қарамасдан, саволга жавоб топди, юртни бўғиб турган хасталикларни аниқлаб, бу ташхисни қаҳрамонлари тилига кўчирди.**

Мисол учун, Кумушбиби билан Анна Каренина тақдирини олайлик. Икковлари ҳам гўзал, икковларида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Ҳар икки асар ҳам бу лобарларнинг ўлимлари баёни билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари бир хилми? Анна — оилали аёл, бегона эркакни севади. Оқибатда ўзини ҳалок қилади. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Кумушбиби — маъсума аёл. У эрига содиқ. Ҳатто уни кундошидан қизғанди. Балки қизғаниши, ишқнинг чегарасидан чиққани туфайли ўлим топгандир? Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Кумушнинг кундоши — Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай. Кумуш, Зайнаблар тақдирини Европа халқлари ҳаётидан излаб топиш мумкин эмас. Келинг, ўлимга доир икки баённи эслайлик:

*"...яқиндагина ҳаёт жўш уриб турган, энди эса казарма столида, ёту бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди: соғ қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган: гўзал чеҳрасида, ярим юмуқ қизғиш лабларида ачинарли, тиниб қолган очиқ кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди: бу ифода уришиб қолишганда Вронскийга "Шошманг, ҳали пушаймон бўласиз", деган ўша даҳшатли сўзини айтиб турганга ўхшарди..."*

Бу тасвирни, Анна Каренинанинг топгани — фожиали ўлимнинг баёнини русларнинг дунё тан олган улуғ ёзувчиси Лев Толстой ёзган. Энди бу лавҳага эътибор берайлик-чи:

*"...Ҳожи Кумушнинг бошиға келиб ўлтурди. Отабек ва онаси оёғ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмуқ, сочлари юзи устида паришон эди. Ҳожи ўз қўли билан сочларини тузатиб, Кумушнинг кўкимтил товланған юзини кўрди ва манглайини босди...*

*— Ойим... Ойим! — деди Ҳожи. Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи бўлди.*

*— Қўзғалманг, ойим... қўзғалманг!*

*Кумушнинг кўз ёшиси чаккасидан оқиб тушди... Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силади:*

*— Худо шифо берар, болам!*

*Кумуш жомга қўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, Ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал қусуқ қонга айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди... Қусуб ётғач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаранди:*

*— Ойи... дада... — сўнгра, — бегим, — деб ингранди... Эрининг юзини юзига қўйди, уялғансумон кўзини юмди..."*

Бу эса улуғимиз Абдулла Қодирийнинг тасвирлари. Ўлаётган икки жоннинг бу дунёдаги икки хил кўриниши. Ана энди бу икки баёндаги номларни ўзгартириб кўринг-чи, ўхшармикин? Ҳа, мутлақо ўхшамайди. Нафис адабиётда миллийлик дегани ҳам айнан шу нуқтада кўринади.

Абдулла Қодирийнинг ўғиллари Ҳабибуллоҳ ака бир суҳбатларида диққатга лойиқ фикрни айтган эдилар: улуғ адиб "Ўтган кунлар"ни ёзгунга қадар Шарқнинг нодир адабиёти билан биргаликда Европа насрининг юксак намуналарини ўрганган эканлар. Бу айни тўғри гап. Улуғ адибнинг асарларида Шарққа хос латифлик мавжуд. Ижтимоий масалаларни дадиллик билан асарга сингдириш эса, Ғарб адабиётига хос услуб.

Гарчи "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" севги қиссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан қайғуси ётади. Адиб "Бир вақтлар қудратли бўлган ота юрт нима сабабдан ночор ва ғариб ҳолга тушди?" деган саволга жавоб топмоқ учун тарихни таҳлил этади. Адабиётда янги романчилик мактабини яратган адиб дастлабки йирик асарини нашр эттирганида ҳали ўттиз ёшга етмаган эди. Шунга қарамасдан, саволга жавоб топди, юртни бўғиб турган хасталикларни аниқлаб, бу ташхисни қаҳрамонлари тилига кўчирди:

*"Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаборса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолади",* дейди Отабек. Мирзакарим қутидор эса: *"Амири Умархондек одил подшо бўлса биз ҳам ўрусдан ошиб кетар эдик"*, деган хомхаёлда юради. Ҳомид аҳволни ўз қаричи билан ўлчайди: *"Худо кофирнинг дунёсини берган"*, дейди у. Зиё шоҳичининг фикри ҳақиқатга бироз яқинлашади: *"Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли ҳуйимиздан"*, дейди у. Айни тўғри хулоса Отабек тилидан баён қилинади: *"Менимча ўруснинг биздан юқоридалиғи унинг иттифоқида бўлса керак. Аммо бизнинг кундан кунга орқаға кетишимизга ўзаро низоимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман... Орамизда бу қўрқинч ҳолатқа баҳаққи тушунадирғон яхши одамлар йўқ, билъакс, бузғувчи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқуриға қараб тортадилар... Модомики, истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғувчилар йўқотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқузиш — нажотимизнинг ягона йўлидир..."*

Афсус шуки, нажотнинг ана шу ягона йўлидан юрилмади. Яқин ўтмишдаги бу ғофилликни адиб мозористон ҳолатига қиёслади ва Отабек тилидан "*мозористонда "ҳаййа алал фалаҳ" хитобини ким ҳам эшитар эди*", деган тўхтамга келди. Дарвоқе, қабристонда "нажотга келинглар!" деб хитоб қилинса, ким ҳам келарди... Тобелари бир-бирлари билан аҳил яшай олмаган жамият мозористон кабидир. Бу жамият аҳли гарчи тирик бўлиб кўринсалар-да, улар руҳан ўликдирлар. Ўтмиш воқеаларини таҳлил этган адибнинг хулосаси мана шу. Подшо зулмидан болшевик зиндонига ўтиш даврида миллат гўё бир уйғонгандек бўлди-ю, сўнг яна ғафлат уйқусини давом эттирди. Отабекни қайғуга солган ноиттифоқлик миллатни яна зиндонбанд қилди. Ёзувчи бу жараённи ўз кўзлари билан кўрди, кўра туриб руҳи фарёд этди ва бу фарёд ёзилмиш асарларига кўчди. Отабек асар бошланишида тилга олган ўзаро низо балоси роман давомида ўз аксини топа борди. Ҳомиднинг қилиғидан тортиб, Азизбекнинг фитнасига қадар, барчаси миллатни, Ватанни хорлик ботқоғига ботирувчи омил экани ўз аксини топди. Абдулла Қодирий Отабек тилидан гапириб, ғаразчиларни иш бошидан қувлаш, улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазишни орзу қилган эди. Ўтмишдан то йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларига қадар етиб келган ғараз оқими оқибатда миллат фахрларининг жонига қасд қилди.

**Ё**зувчининг буюклиги шундаки, йигирманчи йилларда бу ғараз, бу зулм оқимининг йўналишини кўра билди. Адибнинг асарларида миллатни уйғотишга, бу қора оқимни тўхтатишга чақириқ бор эди. Афсуски, бу хитоб ҳам Отабек айтмоқчи, мозористондаги "ҳаййа алал фалаҳ" сингари бўлди.

Абдулла Қодирий яратган мактабнинг синфлари — бўлимлари кўп. Биз бир-икки бўлимига озгинагина назар ташладик. Адабий тилга доир маҳорат, ҳикматлар баёни, табиат тасвири... буларни ўрганиб, охирига етиш учун умр қисқалик қилар... Гапимиз бироз чўзилиб кетганидан билингки, устознинг фикрни мухтасар тарзда, гўзал равишда баён этиш маҳоратларини етарли даражада эгалламабмиз.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Самарқанд дарвоза деб аталмиш ерда 37-уй бор. Эътибор берилса, уйларнинг тартиб рақамига кўра бу хонадон ўттиз еттинчи эмас. Дарвоза қошидаги "37" рақами 1937 йилдан, аниқроғи, йил адоғи — 31 декабрдан дарак бериб туради. Айнан шу куни ёзувчини оиласи бағридан юлиб олганлар. Уларнинг мақсади адибни фақат оила бағридан эмас, халқ қалбидан юлиб олиш эди. Улар бунга жисман эришдилар, холос. Руҳга, халқ қалбига таъсир ўтказишга ожиз эдилар.

Одатда одам вафот этгач, уни ювиб, кафанлаб, тобутга солиб, елкада кўтариб сўнгги манзил — қабрга элтадилар. Абдулла Қодирий ва у табаррук зотнинг биродарларига бу эҳтиром насиб этмади. Уларга бундан-да улуғроқ саодат берилди — улар халқ қалбига мангуга кўчдилар.

Адабиёт ўткинчилик қонуниятларидан холидир. Фақат адабиётгина ўлимни тан олмайди.

Самарқанд дарвозадаги 37-хонадонда Абдулла Қодирий олиб чиқиб кетилган уй ҳали ҳам бор. Ўша даврнинг нуктадонлари суҳбат қурган шийпон ҳам сақланган. Шийпон атрофида, боғ ўрнидаги уйларда адибнинг авлодлари яшашади.

Самарқанд дарвозадаги 37-уйда ҳаёт давом этяпти.



*Суратда: Абдулла ҚОДИРИЙ (биринчи қаторда чапдан иккинчи) замондошлари даврасида.*

---

## ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Яқинда "Маънавият" нашриёти "Истиқлол қаҳрамонлари" туркумида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг "Танланган асарлар"ини нашрдан чиқарди. Китоб Туркистондаги маърифатчилик ва истиқлолчилик ҳаракатининг сарбони Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг XX аср бошларидаги илк маърифий-дидактик шеър ва ҳикоялари ("Орзу", "Туғишганлик севгиси"), ўқиш китоби ("Адибус соний") ва илмий асарларидан тортиб матбуот, театр тараққиётига оид мақолалари ("Турон" театри очилишида сўзланган нутқ", "Туркистон Шўролар жумҳурияти маорифпарвар ёшларига хитоб"), шунингдек, 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолонининг бегуноҳ қурбонлари, миллий-истиқлолчилик ҳаракатининг туғилиши ҳамда уларнинг сабабу оқибатлари, курашчилари ва уларнинг фожиали қисматлари ҳақида хотиралар ўрин олган.




Тўғри, мазкур нашргача Мунаввар қори Абдурашидхонов хотираларидан айрим намуналар кичик сўзбоши билан тарихшунос олим Сотим Холбоев томонидан нашр этилган эди. Лекин унда Мунаввар қори хотиралари тўла берилмаган, унинг бадиий-дидактик, публицистик мақолалари жой олмаган эди. Сўнгги нашрда бу ишлар ҳам амалга оширилган.

Мунаввар қори Абдурашидхонов "Танланган асарлар"ини санъатшунослик фанлари номзоди, таниқли журналист Сирожиддин Аҳмедов биринчи манбалар асосида нашрга тайёрлаган. Китобда С.Аҳмедовнинг "Йўлбошчи" номли каттагина сўзбошиси ҳам берилган. Сўзбошида Мунаввар қори Абдурашидхонов оила аъзоларининг шажараси, XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1929 — 1930-йилларгача бўлган даврдаги маърифатчилик ва матбуотчилик, театр ҳам миллий истиқлолчилик фаолияти тарихийлик принципи асосида изчил кузатилган. Нашрга профессор Наим Каримов муҳаррирлик қилган, тақризчи профессор Бегали Қосимов.

Шерали ТУРДИЕВ

# ҲАЁТ КУРАШГА ЧОРЛАЙДИ


Барот ИСРОИЛ

Ҳаёт курашга чорлайди, бормасам бўлмас,
Белни боғлабон майдонда турмасам бўлмас.

Битта бошга бир ажалдир, чўчимоқ нечун?
Ҳақни ёқлаб, заволга чап бермасам бўлмас.

Қўрқоқ одамга қўшалоқ, бўжи кўринар,
Бўжисифатдан нарироқ юрмасам бўлмас.

Турмуш чиғириғидан ўтказар бир-бир,
Тирикчилик тадбирин тез кўрмасам бўлмас.

Она заминга оёғим мустаҳкам тираб,
Қуёш мисол Ерга меҳрим бермасам бўлмас.

Киндик қоним томган тупроқ Ватаним, зеро:
Қадрин ватангадолардан сўрмасам бўлмас.

Барот ҳаёт бирла мудом беллашиб яшар,
Ҳали елкаси ер кўрмас, асло кам бўлмас.

## ОБРЎЙИ БЎЛДИ БИР ПУЛ

Кимки пул кетидан қувди, обрўйи бўлди бир пул,
Қанча покиза дилларни айлади, нопок кир пул.

Судхўрлар қилмас қаноат, лабзу иймони омонат,
Порахўр кўрмас ҳаловат, югуртиргай зир-зир пул.

Унмагунча қўймагай, очкўз, кўзи тўймагай,
Сарф этишни суймагай, кафани ҳам кир-чир пул.

Қалбга шайтон ин қуриб, қариндошдан юз буриб,
Ота-онадин айириб, қилар иши қинғир пул.

Излагани "доллар", "динор", ҳамёни тўлмагай, ғор,
"Семизлик кўтарди кўчқор", уни йиқди охир пул.

Забт айлаб ғўр кўнгилни, ҳавойи қиз-ўғилни,
Хасису эгри қўлни, этди тамом асир пул.

Аҳли донишларга одат, — қаноати зўр саодат,
Андин ибрат олур Барот, йўлдан урмас қинғир пул.

## ТЕРАК ВА ЧИВИН

Шамол бир чивинни қилди чирпирак,
У чиппа ёпишди дуч келиб терак.
Шамол тингач, Чивин теракка деди:
— Тутмасам, ул сени йиқитар эди.

# САМИМИЙ КУЛГУ




Ўтган йили "Ҳандалак"чи Ортиқ Султоновнинг "Кулгу ҳақида... кулишиб" китобини мутолаа қилгандик. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб муаллифнинг иккинчи китоби шинавандалар қўлига тегди.

Китобнинг тақдимот маросими ҳам О.Султоновнинг "Кулгу шаҳарчасида"ги ҳангомалари, интермедиялари билан бошланди. "Ёшлар" телеканалининг "Ҳандалак" тележурнали ижодкорлари айни шу вақтда яна ижодга шўнғиб кетишди. Зокир Очилдиев билан Ортиқ Султоновни телеэкран орқали ҳамиша бирга томоша қилиб ўрганган мухлис бу икки сўз устасини бир-бирисиз тасаввур қила олмаса керак. Аммо китоб ёзиш бобида Ортиқ Султонов ҳамкоридан анча илгарилаб кетгани чин, буни биз, учинчисини ёзишга киришдим, деган гапларидан билдик.

Бевосита "Кулгу шаҳарчасида" мажмуасига тўхталадиган бўлсак, учта боб ичидан қизиқчилик санъати, у қандай юзага келади ва шаклланади, қизиқчи асли ким, томошабинни кулдириш учун қизиқчи нималарга эътибор қаратиш керак каби саволларга жавоб топамиз.

— Қадрли журналистлар, — дейди муаллиф О.Султонов. — Ушбу китобчани ўқишни айни қизиқчилик дунёсига кириб келаётган ёш кулги усталари, жумладан, тўйларда ўртакашлик қилаётганларга тавсия этинг. Негаки, улар тақлид билан мустақил ижод фарқига борсаларгина эл орасида эътибор ва обрў топади. Беўхшов тақлид эса бошқа бир қизиқчининг обрўсига ҳам путур етказиши мумкин.

Тақдимот маросимининг давоми ижодий савол-жавоблар ва баҳс-мунозараларга айланиб кетди.

Китоб якунида муаллиф Чарли Чаплиннинг шундай сўзларини келтиради: "Мен ҳеч нарсани ўзгартира олмадим... фақат одамларни кулдирдим... буям ёмон эмас." Дарҳақиқат, одамларга самимий кулги улашиш ҳамма қизиқчининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу борадаги изланишлари боис эл оғзига тушаётган Ортиқ Султоновни "Кулгу шаҳарчасида" қозонаётган муваффақиятлари билан қутлаймиз.

**Рустам БЕК**

# ЎПИБ КЎРИШИШ ҲУРМАТ ИФОДАСИМИ?

## МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Тўғрисини айтиш керак: бугунги кунда ҳар биримиз бир неча бор ўпиламиз ва кимларнидир ўпамиз. Баъзан хоҳлаб, баъзида эриниб, баъзида эса тушунмай, ҳар эҳтимолга қарши.

Бир қарашда, жуда оддий ва майда масаладек кўринган одат бизнинг турмуш тарзимизни ва ҳатто маданиятимизни ҳам ўзида ифода этади. Шундай ўпишишлар борки, табиий тарзда кечади, агар ўпиб кўришилмаса ғалати туюлади. Масалан, жажжигина бола билан қариндош-уруғларнинг сўрашиши, узоқ йўл босиб келган фарзанд билан онанинг сўрашиши, ёш келин-куёвнинг узоқ танаффусдан кейинги сўрашиши ва шунга ўхшаш ҳолатлар.

Аммо ҳозир шундай сўрашишларга ҳам дуч келамизки, четдан қараган одамга ғалати туюлади. Масалан, баъзи келинларнинг ўз қайнотасини чўпиллатиб ўпиши (Тошкентда уч марта ўпиш расм бўлиб кетган), талаба йигитларнинг ўзаро лаб алмашиши (тўрт ва беш мартагача), қориндор ва басавлат кишиларнинг "дипломатик" ўпишишлари, қизларнинг ўзаро салом-алиги (жуда яқин дугоналар 6 бора чўпиллатиб ўпишадилар), ёши да ўпишиш тушунилаяпти (хусусан, шаҳарларда, баъзан қишлоқларда ҳам). Хотин-қизларни қўйиб турайлик, барваста йигитларнинг, кап-катта эркакларнинг ўзаро "чўлпиллатиши" шахсан менга ёқмайди. Айниқса, жамоатчилик ўртасида катта, салобатли эркакларнинг ўзаро лаб олишлари ва ҳоказолар.

Ушбу мақолага далилларни айнан ҳаётнинг ўзидан олиш учун воқеликни кузатдим. Уларнинг айримларини келтирмоқчиман. Тошкент шаҳридаги наҳор ошлардан бири. Тўй қилаётган одамни ўпиш учун (яъни сўрашиш учун) меҳмонлар навбатда туришар ва бу мажбуриятни гўёки ҳурмат учун бажаришар эди. Энг қизиқ жойи шунда эдики, меҳмон билан мезбоннинг ўзаро яқинлик даражаларини ўпичнинг сонига қараб бехато аниқлаш мумкин эди. (Қитмирлигим учун узр сўрайман, лекин буни ўз кўзингиз билан кўрсангиз эди...)

Аёлларимизнинг жону дили бўлган "чаллар"ни кузатдим. Келин чиқиб кетган хонадон эшигининг олдида 80 (саксон!)га яқин қиз-жувон ва хотин-халаж симда ўтирган қалдирғочлардек қатор туришиб, куёв томондан келган шунча аёл билан сўрашиб (улардан кўплари ўпишиб) чиқди. Бу қудаларнинг ўзаро ҳурмат ифодаси ва яқинликнинг намойиши экан. Мени ҳайратга солган ҳол шу бўлдики, "чаллар"нинг расмий режасига киритилган, фақатгина ўпиб кўришиш ва қудаларга ўпилишдан иборат бу маросим нақ ярим соат давом этди. Бу камми ёки кўп?

"Чаллар" давомида келинни ўпмаган ва ўпилмаган ҳеч ким қолмади. Тадбир охирида эса яна шунча аёл (ҳатто эркаклару йигитлар ҳам) ўзаро ўпишиб хайрлашишди...

Мен кузатишда давом этдим, ҳозир баъзи ёш келинлар ўз қайнонаси ва қайнотасини (Тошкент шаҳрида) ҳар уни тўрт мартадан ўпадиган одат чиқаришибди: эрталаб салом берганда, ишга кетаётганда, ишдан қайтганда ва уйқуга ётишдан олдин. Бу одат қачон пайдо бўлган? Ким бошлаб берган? Бундай ўпишишлар ростдан ҳам ҳурмат ифодасимикин? Миллий маданиятимиз нуқтаи назаридан қараганда, бу ғалати кўринмайдими? Балки бу ҳодиса дўстлик, яқинлик, меҳр ва муҳаббат рамзидир? Қани эди шундай бўлиб чиқса.

Ҳозирга келиб сўрашиш, саломлашиш деган мойишкорона қилинган бу ҳолатни кўриш жуда ҳам эриш туюлади. Ахир, сўрашишнинг, ҳурмат ифодасининг анъанавий, миллий, гўзал шакллари бор-ку! Шарқона тавозе, ўзбекона илтифот, эркакчасига елка олиб, бел олишиб, қучоқ очиб (ўпишмасдан) сўрашишлар қаёққа кетди? Эгилиш, йўл бериш, таъзим қилиш, бош ирғаш, кўз ташлаш, нигоҳ ва имо қилишлар нега йўқолиб кетди? Ахир, японлар бош эгишдан, таъзим қилишдан, юз ва чеҳра ҳаракатларидан, ёқимтой табассумдан воз кечганлари йўқ-ку?

Ҳиндларнинг саломини бутун дунё билади ва ҳурмат қилади. Турклар, афғонлар, эронликлар ва биз билмаган кўп халқлар ўпишмасдан сўрашишади-ку? Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган ва биз мириқиб томоша қилаётган телесериалларда ҳам деярли ўпишишлар йўқ. Қолаверса, сўрашиш ва ўпишишнинг фарқини қачон билиб оламиз?

Фарғона ва Андижондаги сўрашишларни кўрганман. Қашқадарё ва Сурхондарёдаги "сўранг-сўранг"ларнинг гувоҳи бўлганман. Тошкентдаги елка қоқишлардан завқ олганман. Хоразм ёки Бухородаги анъаналардан хабардорман. Афсуски, биз бу маданиятни фарзандларимизга кам ўргатаяпмиз. Уларнинг аксарияти Ғарб видеофилмларидаги одамларга ўхшаб саломлашмоқда. Баъзида эса ҳеч қандай шаклда саломлашаётгани йўқ. Ахир, маънавий етуклик ва юксак маданият сўрашиш одобидан бошланмайдими? "Агар саломинг бўлмаса..." деган иборанинг халқ эртакларида келтирилиши қанчалик аҳамият касб этишини биламиз-ку?

Ҳурматли газетхон, ана шу масалада Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Ҳар нарсада меъёр бўлганидек, ҳадеб ўпишаверган билан бир жой обод бўлиб қолмайди. Қолаверса, шахсий гигиена талабларига ҳам бу иш тўғри келмайди. Хулоса қилиб айтганда, ўпишиш — бу ҳурмат ифодаси эмас! Сиз бунга нима дейсиз? Мунозарага марҳамат!

**Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,**
**педагогика фанлари номзоди**

# СУРИНАМДА ТИЛ БАЙРАМИ



Шу йилнинг 5 — 9 июн кунлари Жанубий Америка қитъасининг Атлантика баҳри муҳити ювиб турадиган соҳил бўйида жойлашган Суринам мамлакатида VII халқаро ҳиндий тили анжумани бўлиб ўтди. Суринам Жанубий Америка қитъасида бўлса, бунга ҳиндий тилининг қандай алоқаси бор, деб сўрарсиз. Бундан роса 130 йил муқаддам буғдой ва донли экинлар етиштиргани "Лоларух Доро" номли кемада талай деҳқонлар билан дастлабки жаҳонгашта ҳиндлар қитъага келиб тушган. Навбатдаги халқаро ҳиндий тили анжумани айнан шу санага бағишлаб ўтказилиши олдиндан режалаштирилган эди. Қўшалоқ байрамда иштирок этиш учун дунёнинг муҳожир ҳиндлар яшайдиган 110 мамлакатидан меҳмонлар ташриф буюрди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Тошкентдан икки киши — Тошкент Шарқшунослик институти профессори Озод Шоматов ва камина митти давлат пойтахти Парамарибо шаҳридаги анжуманга йўл олдик. Айнан шу мамлакатга биз ўзбеклар диёридан ташриф буюрган дастлабки вакиллар эдик. Москва — Амстердам — Парамарибо йўналиши бўйлаб салкам уч кунлик парвоздан сўнг иссиқ тропик иқлимли диёрга қадам қўйдик.

Суринам қитъанинг шимолий чеккасида жойлашган бўлиб, бир томонини Атлантика уммони ювиб турса, қуруқликда Бразилия, Гвиана ва Франция Гвианаси билан чегарадош. Аҳолиси беш юз минг нафардан ошиқроқ бўлиб, асосан, занжилар ва ҳиндлардан иборат. Бундан ташқари, индонезлар, хитойлар ҳам талайгина. Ҳинд миллатига мансуб аҳоли ҳам мамлакатнинг лотин алифбосидан фойдаланар экан. Мамлакат бир вақтлар Голландия мустамлакаси бўлгани учун ҳамма жойда голландча усулга дуч келасиз. Ҳатто маҳаллий пул бирлиги ҳам гулден деб аталади, бироқ унинг Голландия гулденига сира алоқаси йўқ.

Пойтахт Парамарибо шаҳри ҳам ғоятда бежирим, кўркам маъво. Кўчалари тор, майдону хиёбонларида ҳам маҳобат кўзга ташланмайди. Об-ҳаво деярли ҳар соатда ўзгариб туради, ёмғир гоҳ севалаб, гоҳ челаклаб қуяди. Ҳаммаёқ қалин ўт ва буталар, дов-дарахтлар билан қопланган. Уйларнинг тўқсон фоизчаси бир ёки икки қаватли бўлиб, осмонўпар иморатлар камдан-кам учрайди.

Биз олти қаватли "Краснопольская" (аллақандай поляк савдогари қурган) деган ғоят замонавий меҳмонхонанинг бешинчи қаватига жойлашдик. Ҳар бир кишига барча қулайликлари муҳайё этилган биттадан хона. Камина 520-хонага жойлашдим. Равоқдан шаҳар кафтдек кўриниб турарди. Меҳмонхонадан тўрт юз газча нарида худди Тож Маҳал услубидаги оппоқ масжид биноси қад кўтарган. Кейинчалик худди шу шакл ва ҳажмдаги масжидлар ўнлаб жойда қурилганининг шоҳиди бўлдик. Ҳатто шаҳардан 40 чақирим наридаги "Суринам" аэропорти йўлида, қалин ўрмонзорларнинг очиқ жойларида ҳам гирдига "Ло илоҳа..." дуолари ёзилган айнан шундай оппоқ масжидлар товланиб турарди. 5 июн куни бўлиб ўтган дастлабки учрашувда мамлакат Президенти Руналдо Роналд Венетиан биз ҳар қандай дин ва унинг вакилини ҳурмат қиламиз, дея алоҳида ғурурланиб гапирди. Президент ўзи негр ирқига мансуб, 45-50 ёшлардаги киши эди. Эртасига, 6 июн куни Парламент биносида кечган анжуман очилишида ҳам, шу куни "Торарика" ресторанидаги шомги таътил чоғида ҳам Президент меҳмонлар билан бирга бўлди.

У Ҳиндистонда Маданий алоқалар кенгаши томонидан мазкур анжуманга бағишлаб чоп этилган "Смарика" ("Ёдгорлик") тазкираси тақдимотида иштирок этиб, унинг биринчи нусхасига тантанали имзо чекди. Шу қатори "Гагананчал" ("Уфқ") тазкирасининг 1 ва 2-қисмлари, "Бутунжаҳон ҳинд адиблари" тўпламининг ҳам тақдимоти бўлиб ўтди. Рўпарадаги улкан монитордан Ҳиндистон Бош вазири жаноб Атал Биҳарий Важпейнинг анжуман иштирокчиларига табриги намойиш этилди. Айниқса, ҳиндларнинг қитъага илк қадам босишганига 130 йил тўлиши муносабати билан 5 июн куни бўлиб ўтган шодиёнани таърифлашга тил ожиз. Барча меҳмонлар билан Суринам дарёси соҳилига бордик. У ерда "Лоларух Доро" рамзий кемаси ва рамзий дастлабки ҳиндларни мусиқалар билан "кутиб" олдик. Жуда катта оломон бўлиб, "дастлабки" ҳиндлар билан сал наридаги Президент қароргоҳига келдик. Президент Венетиан тан қўриқчилари билан ичкаридан чиқиб келди-да, бизга қўшилиб кетди. Сўнг юз газлар нарида обдон безатиб қўйилган чоққина майдонга бордик ва ўша жойда қарийб икки соатча табрик ва нутқлар давом этди. Шу майдонча ўртасида қитъага илк бор келган ҳинд деҳқонлари шарафига бир эркак ва бир аёл ҳайкали ўрнатилган эди. Ҳайкалларга тақилган ўнлаб ҳашамдор гулчамбарлар бир неча кунгача олиб ташлангани йўқ.

Ҳар бир куннинг ҳар бир дақиқаси аниқ ҳисоб-китоб қилиб қўйилган. Ҳар куни анжуман тугаб, шомликдан кейин, албатта, бирон концерт биносида Ҳиндистондан ташриф буюрган машҳур санъаткорлар иштирокидаги мумтоз ва замонавий куй ва қўшиқлар янграр, саҳна томошалари намойиш этилар эди. Қарийб 600 га яқин меҳмонни бу қадар сахийлик билан ўн кун сийлашнинг ўзи бўлмаса керак.

Ҳисоб-китобларга қараганда, дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида ҳаммаси бўлиб 24 миллион (қарийб битта Ўзбекистон!) муҳожир ҳинд истиқомат қилади. Кариб ҳавзасидаги тўрт мамлакат ичида энг кўп ҳиндлар Суринамда экан. Ташриф буюрган ҳинд меҳмонларининг аксарияти тил ва адабиёт мутахассислари, етук ёзувчи ва шоирлари бўлсада, улардан ташқари илмий-тадқиқот институтларининг профессор, олимлари, кибернетика ва интернет бўйича йирик мутахассислар, ширкатларнинг президентлари ва менежерлари ҳам бор эди.

Маълумки, Ҳиндистон ўзининг қадимий маданияти билан машҳур. Халқимиз, хусусан, "Маҳобҳорат" ва "Рамаяна" сериаллари ёрдамида бу мамлакатнинг узоқ тарихидан оз бўлса-да, хабардор. Лекин ҳинд халқининг бундан-да буюкроқ ва салмоқлироқ маданий обидалари мавжудки, уларни санаб адо қилиш қийин. Биргина ёзув маданиятини олиб қарайлик. Ҳатто энг қадимги адабий ёдгорликлар, "Веда" китоблари, Пурона, Упанишад, Жаътаклар айнан бугунги кунда кенг қўлланиб келаётган деванагари алифбосида битилган. Ташқи душманлар истилоси ва истибдодидан сира боши чиқмаган бу жафокаш элнинг иродасига балли дейиш керак — дунёнинг мана мен деган фотиҳлари галма-галдан неча юзлаб йиллар асоратда сақлаб келган бўлса ҳам, маҳаллий халқ на турмуш тарзини ўзгартирди, на маданий обидалари ичида энг мўътабар ҳисоблангани миллий ёзувини! Боз устига, ҳиндий тили фақат қадимги санскрит маданияти талабларига жавоб берибгина қолмай, энг замонавий электрон ҳисоблаш машиналари, компьютер, интернет талабларини бажаришда ҳам "қўли чаққон" дастёр чиқиб қолди. Худди инглиз ёки рус тилига ўхшаб, ҳиндий тили ҳам соҳа "танлаб" ўтирмайди, ҳар қандай тушунчага илмий атама ёки ном беришга қодир.

Гарчи нуфуз жиҳатидан ҳинд миллати хитой ёки руслар каби жаҳоний мавқега эга бўлса-да, ҳиндий тилининг жаҳоний даражаси ҳали расман тайин этиб қўйилганича йўқ. У қадимги ноёб тиллар сирасига киради, аммо замонавий талабларга жавоб беришининг сири ҳозирча фақат ҳиндларнинг ўзигагина маълум, холос. Ҳиндистон "атом", "космик", "кибернетика", "интернет" каби соҳаларда жаҳоннинг пешқадам тараққий этган мамлакатлари билан бемалол бас бойлашиб турган бир паллада худди шу талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган ҳиндий тилининг бундан кейинги тақдири ҳинд афкор оммасининг диққатини тобора кўпроқ банд этмоқда. Анжуман ҳиндий тили билан боғлиқ жами муаммоларни ўн икки соҳага бўлиб муҳокама қилди. Тўрт кун давом этган мунозара ва мубоҳасалар шу даражада қизиқарли ва қизғин бўлдики, мувозий равишда бўлиб ўтаётган мажлисларнинг қайси бирида қатнашишни билмай, шошиб ҳам қолдик. Профессор Озод Шоматов биринчи куниёқ "Жаҳонда ҳиндий тилининг ўрни" деб номланган ялпи мажлисда сўзга чиқди ва ўзининг кўп йиллик илмий изланишлари, эришилган ютуқлар, ўзбек ҳиндшунослари олдида турган муаммолар ҳақида тўхталди. Айниқса, мустақиллик йилларида олимларимизнинг самарали меҳнат қилаётганларига алоҳида урғу бериб, Жанубий Осиё кафедраси ўқитувчилари томонидан тайёрланган "Ҳиндийча — ўзбекча луғат"нинг бир неча нусхасини мажлисга раислик қилаётган ҳинд олимаси ва таниқли адибаси Пушпита хонимга топширди. Каминага анжуманнинг учинчи куни "Таржима муаммолари" деб номланган мажлисда сўзлаш насиб этди. Ҳиндий тилидан таржима Ўзбекистонда анча ривожлангани, ўзбек китобхонлари ҳинд адибларининг асарларини айнан ҳиндий тилидан бевосита таржимада ўқиётганлари, ҳинд киноларини севишларини атрофлича ҳикоя қилдим. Албатта, мамлакатлар ўртасидаги дўстликни тилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундан роса минг йил муқаддам буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний умрининг 20 йилини Ҳиндистонда кечиргани, санскритни эгаллаб, асарларини шу тилда ёзгани, улар жаҳоннинг бошқа тиллари орқали ўз ватанига етиб келгани кўпчиликка аён. Демакки, ҳиндий тилидан ўгириш анъанаси бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Анжуманга Ҳиндистон Республикасининг Ташқи ишлар бўйича давлат вазири Дигвижай Синҳ бошчилик қилди. Унинг равон ва оташин нутқлари анжуман иштирокчилари қалбини ҳаяжонга тўлдирар, дамбадам қарсаклар билан бўлиниб турарди. Ташқи ишлар вазири ўринбосари жаноб Ж.С.Шарма эса меҳмонларнинг аҳволидан кўз-қулоқ бўлиб, заррача муаммо туғилишига йўл қўймади. Тиниб-тинчимас Моника (у Ҳиндистон Ахборот ва маданият вазирлиги вакили) анжуман кундалигини ёритиб бориш, меҳмонлардан интервьюлар олиш, янги нашрдан чиққан китобларни ва рўзномаларни тарқатишдан асло чарчамасди. Бундан ташқари, анжуман дастуридан бўшаган кечки пайтларда меҳмонларга интернет хизмати кўрсатишни ҳам шу қиз ўз зиммасига олганди.

Анжуманнинг сўнгги куни якунловчи мажлис бўлди. Унда БМТ номига анжуман иштирокчиларининг 7 моддадан иборат "Мурожаатнома"си қабул қилинди. Кейинги анжуман яна уч йилдан кейин Голландияда ўтказилишига келишиб олинди. 15 мамлакат вакили, шу жумладан ўзбек профессори О.Шоматов анжуманнинг "эъзозли меҳмонлари" каторида қимматбаҳо эсдалик нишон билан тақдирланди. Қолган меҳмонларга ҳам худди шундай эсдалик нишонининг кичикроқ нусхаси тақдим этилди. Аммо ҳаммасидан қимматбаҳо совға — бу анжуманга бағишлаб чоп этилган ҳиндий ва инглиз тилидаги китоблар бўлди. Худо хоҳласа, ўзбек китобхонлари замонавий ҳинд адиблари яратган, "сиёҳи қуримаган" асарлари билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлурлар. Улар орасида ҳозирги замон ҳинд ҳикоячилигининг беназир намояндаси, ўндан ортиқ роман ва 200 га яқин киносценарий муаллифи Камлешвар, ҳинд ғазалиётининг сардори доктор Кунавар Бечайн, ажойиб сўз устаси, таниқли адиба ва жамоат арбоби Пушпита хоним, замонавий ҳиндий тилини "сайратиб" ижод қилаётган адиб Мадҳум Моҳта ва бошқалар бор. Биз бу муаллифлар билан яқиндан танишиб, дастхат битилган китобларини ҳам ўз қўлларидан олишга муяссар бўлдик.

Беадад сururга тўла анжуман ниҳоясига етди. Сўнгги куни ва сўнгги соатда Пушпита хоним бир гуруҳ иштирокчилар ўртасида болалардай йиғлар, кўзидаги сурма шашқатор ёшлари билан битта бўлиб чаплашиб кетганди. Атрофдагилар уни юпатишга уринарди. Аввалига тушунмай: "Нега йиғлаяпсиз, Пушпита хоним?" — деб сўраганимни ўзим билмайман. "Кетиб қолаяпсизлар-ку" — деб жавоб бераркан, у яна ҳўнграб юборди. Бу маъсумиятдан биров жилмайса, биров ҳамдардлик билан хомуш бош эгиб қўяр эди. Профессор Озод ака Шоматов ва мен ҳам Маданият саройи ҳовлисида Суринамдан кейин иккинчи бўлиб, уммон шабадасида ҳилпираб турган байроғимизга яна бир карра меҳр ва ғурур билан қараб қўйдик-да, роса олти кун бизни эъзозлаб-ардоқлаган билим масканини тарк этдик.

Ҳа, Суринамдаги анжуманда ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги асрий дўстлик ва турли соҳалардаги алоқалар янада авж олаётганини дил-дилдан ҳис этиб турардик. Тошкентдаги Ҳиндистон элчихонаси қошида жаноб Жозеф Лобо раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон Маданият маркази худди шундай эзгу ва савобли ишларни муваффақият билан давом эттирмоқда. Ҳиндистон элчиси жаноб Шарат Сабҳарвалнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон нафақат азалий дўсти Ҳиндистон, балки маданияти орқали дунёнинг турли мамлакатлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишга муяссар бўлмоқда. Олис Жанубий Америка қитъасига қилинган ушбу ўн кунлик сафар бунинг ёрқин далилидир.

**Амир ФАЙЗУЛЛА**

## Дунё — кенг...



### "СОЛЯРИС ЭФФЕКТИ"
### Ёхуд ёмон хотирадан қутулиш имкони

**Инсоннинг руҳий дунёси мураккаб. Унинг онгостига мустаҳкам ўрнашиб олган мудҳиш хотиралар баҳаловат яшашига ҳам, эркин ишлашига ҳам йўл қўймайди. Ана шундай қўрқинчли хотиралардан кутулишнинг имкони борми?**

Исроиллик йигирма тўққиз яшар медицина доктори Марк Айзенберг шу кунларда жаҳонни ҳайратга солган бир илмий ахборотни тарқатди. Хабарда таъкидлашича, М.Айзенберг ҳамкасблари билан ҳамкорликда одам миясини бошқаришнинг янги принципини ишлаб чиққан. Бу принципга кўра, миядаги айрим қўрқувни кучайтирадиган, қайғули, фожиали хотираларни ўчириш мумкин.

Умуман, одамзод қадимдан нохуш, кўнгилсиз воқеаларни унутишнинг йўлини излаб келади. Қадимги юнон файласуфи Платондан поляк фантаст ёзувчиси Станислав Лемгача ("Солярис" асарини эсланг) ана шу муаммо борасида бош қотиришган. Ҳатто психологияда кўнгилсиз хотиралар азобидаги кишиларга нисбатан қўлланадиган "Солярис эффекти" атамасининг пайдо бўлиши ҳам шундан далолатдир.

Эсласангиз, "Солярис"да фикрлайдиган Океан сайёраси ерликларни уйқу ва ҳаловатдан мосуво қилган оғриқли хотираларни моддийлаштиришдек ғаройиб хусусиятга эга бўлади. Космик станциядагилар Солярисни тадқиқ этиш ўрнига кечаю кундуз ўша моддийлашган хотиралар, яъни аянчли мавжудотлар билан олишадилар... Чиқарилган хулоса, гарчи оддий бўлмаса-да, бироқ қатъий эди: одам ўз хотираси юкидан озод бўла олмайди. Ундан халос бўлганда эса, у, албатта, ўзини йўқотади.

Бироқ бундайин теран фалсафий хулосаларга қарамай, олимлар миядаги "кераксиз" хотиралардан қутулиш имконини берадиган воситаларни қидиришни давом эттиришди. Лаборатория шароитида каламушлар устида ўтказилган тажрибаларда аён бўлишича, қўрқувнинг ҳиссий ҳолати жониворлар миясининг миндалина деб номланувчи кичкина бўлмасида муҳрланиб қолар ва айнан шу нарса қўрқув, даҳшат туйғусини шакллантираркан. Агар шу миндалинага анизолицин (оқсилнинг синтезлашувини тўхтатадиган дори) юборилса, қўрқув "ўраб олинади", қўрқувнинг ўчмас хотирага айланиб, мияда муҳрланиб қолишининг олди олинади.

Исроиллик олимлар анизолицинни табиий бирикмалар — миянинг ишлашида иштирок этадиган ва айнан қўрқув ҳиссига масъул каннабиодлар билан алмаштиришни таклиф этишди. Қизиғи шундаки, асосий таъсир этувчи малҳамни... марихуанадан олиш мумкин экан. Айни унинг таркибига кирувчи каннабиодлар туфайли кўтаринки кайфият эффектига эришилади. Наша сарҳушлигидан фарқли равишда, бу ҳолатдан осойишта, хотиржам туйғу пайдо бўлади.

Олимларнинг таъкидлашича, бундай тажрибалар ана шу йўналишдаги илк ҳаракатлар. Улар ҳозирча фақат жониворлар устида ўтказилган, холос. Эҳтимол, ўн беш, йигирма йиллар ўтиб, одамзод "кераксиз" хотираларни ўз миясидан ўчириб, ҳар хил ваҳимали, кўнгилсиз хасталиклардан қутулар.

Бироқ ўзининг ёмон хотираларини миясидан ўчириб ташлаган одам чинакам бахтли бўла олармикан? Шу ўринда "Солярис" асари қаҳрамони Крис Кельвинни эслайлик. У ўзининг аллақачон вафот этган рафиқасини хотирасидан ўчириб юборганида, илмий иши билан шуғулланишига ҳеч нима халал бермасди. Унинг ҳамкасблари ҳам ўзларининг оғир хотираларидан халос бўлишса, станцияда кутилмаганда пайдо бўладиган "меҳмон"лардан қутулишарди. Хаста виждон шунда уларни ақлдан оздирмасди. Бироқ хотирасидан жудо бўлган одамда нима қолади? Ёруғ ва қайғули хотираларсиз одам нимага айланади? Қолаверса, миядаги керакли ва кераксиз хотираларни қандай ажратиш мумкин? Қайғули бўлса-да, муайян хотирани кераксиз, деб бўладими?

Мана шундай саволлар олимлар олдига жуда кўп жумбоқларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Келажакдаги илмий изланишларда уларга жавоб топилар, эҳтимол.

### САРТАРОШЛАРНИНГ ЗЎРИ

**Одатда, кунда ёки кунора соқол олганда иложи борича шошмасликка ҳаракат қилинади. Бунда вақт кетса кетар, бироқ бирор жойни кесиб олмасам бўлди, деган эҳтиёткорлик билан иш тутилади. Бироқ вақт зиқ бўлса-чи?..**

Шундай сартарошлар борки, уларнинг қўлида поки худди сувдай шувиллаб оқади. "Рекордчилар" телешоусида Британиянинг Кент графлигида яшовчи Томас Роден деган устаси фаранг хавфли олмосда бир соатда 278 кишининг соқолини олиб қўйди. Ҳар бир мижозга у атиги 12,9 секунд вақт сарфлади, холос. Шу графикдаги яна бир чаққон сартарош Денни Роу хавфсиз олмос билан бир соатда 1994 мижознинг соқолини қиртишлашга улгурди. У ҳар қайси мижозга ўртача бор-йўғи 1,8 секунд сарфлади, холос.

Маданият ишлари вазирлиги ва "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Абдулла Қаҳҳор номидаги Сатира театри актёри Турдибек Содиқовга укаси **Баҳодир СОДИҚОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 861. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН